



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИДА ИНСОН ХАВФСИЗЛИГИНИ ИШОНЧЛИ ТАЪМИНЛАШ ВА ЎЛИМ ҲОЛАТЛАРИНИ КЕСКИН КАМАЙТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўнги йилларда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш соҳасида кенг қамровли ташкилий-амалий ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, қўрилаётган чора-тадбирларга қарамадан, ўлимга олиб келган йўл-транспорт ҳодисаларининг сони ҳали ҳам юқори бўлиб, автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Жумладан, йўл инфратузилмасини ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг замонавий талабларига тўлиқ мувофиқлаштириш, ушбу соҳадаги қоидабузарликларнинг барвақт профилактикасига йўналтирилган самарали тизимни йўлга қўйиш, шунингдек, инсон омиллини истисно қилувчи рақамли технологияларни кенг жорий этиш талаб этилмоқда.

2022-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ, шунингдек, Янги Ўзбекистон шароитида автомобиль йўлларида инсон ҳаёти ва соғлигини ҳар қандай ҳодисалардан кафолатли ҳимоя қилиш мақсадида:

1. Қуйидагилар мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъ-

минлашнинг долзарб йўналишлари этиб белгилансин:

автомобиль йўллари инфратузилмасини такомиллаштириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, йўл ҳаракати иштирокчиларининг "пиёда — жамоат транспорти — велоспорт — автотранспорт" устуворлиги асосида хавфсиз ҳаракатланиши учун ишончли шарт-шароитлар яратиш;

ҳайдовчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини инновацион педагогик технологияларни жорий қилган ҳолда, ўқув жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш;

ҳайдовчи ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш маданиятини ошириш, ҳар қандай қоидабузарлик учун жазо муқаррарлигини таъминлаш;

йўл ҳаракати қоидалари асосларини болалиқдан сингдиришни йўлга қўйиш, ушбу амалиётни мактабгача таълим ташкилотлари ва умумтаълим мактабларида жорий этиш;

йўл ҳаракатини ташкил этишни тўлиқ рақамлаштириш, илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилган ҳолда, янги бошқарув ва назорат тизимларини татбиқ қилиш.

2. Йўл ҳаракати қоидаларига

сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш ҳамда уларни тақдоран бузиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида 2022 йил 1 декабрдан бошлаб қуйидаги тартибни назарда тутувчи ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жазима балларини ҳисоблаш тизими жорий этилсин:

ҳар бир йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун 12 ой давомида алоҳида жазима баллари ҳисоблаб борилади;

ҳисобланган жазима баллари белгиланган миқдордан ошган ҳолларда ҳайдовчи маълум муддатга транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ўрнатилган тартибда маҳрум қилинади;

муайян давр мобайнида йўл ҳаракати қоидабузарлиги содир этмаган ҳайдовчиларга кейинчалик ҳисобланган жазима балларини қисқартириш орқали рағбатлантириш чоралари қўлланилади.

Ички ишлар вазирлиги (П.Р.Бобоқонов), Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) бир ой муддатда илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда, ҳайдовчиларга йўл ҳаракати қоидабузарлиги учун жазима балларини ҳисоблаш тизимини жорий этишни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини киритсин.


▶ Давоми 2-бетда

## ЯНГИ ТИЗИМ



**OpenBudget**  
O'zbekiston Respublikasi  
"Ochiq Budget" Portali

Давлат бюджети шаклланиши ва ҳудудлар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнига аҳолини ҳамда жойлардаги долзарб муаммоларни ҳал этишга жамоатчиликни кенг жалб этишга қаратилган янги "Очиқ бюджет" ахборот портали, "Ташаббуси бюджет" лойиҳасининг ҳаётга татбиқ этилиши адолат ва шаффофлик сари ташланган муҳим қадам сифатида намоён бўляпти.



## ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИКНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Жорий йил биринчи ярим йиллик учун 69 700 та ташаббусга жами 6 718 133 та овоз йиғилиб, улар орасидан 2215 та ташаббус ғолиб топилди

2021 йилда мазкур жараёнда 41 мингдан ортиқ таклиф келиб тушган бўлса, 1,1 миллион аҳоли овоз беришда иштирок этди. Овоз бериш яқунларига кўра, умумий қиймати 407,1 миллиард сўм бўлган 1 594 та таклиф ғолиб топилиб,

давлат харидлари тамойиллари асосида аниқланган пудратчилар томонидан тегишли ишлар амалга ошириляпти.

Кўни кеча Молия вазирлиги "Ташаббуси бюджет" лойиҳасининг 2022 йил биринчи ярим йиллик

мавсуми учун ғолиблар тасдиқланганини эълон қилди. 69 700 та ташаббусга жами 6 718 133 та овоз йиғилган. Улар орасидан 2215 та ташаббус ғолиб топилди.

▶ Давоми 4-бетда

## ҲУНАРМАНДЛИК

### ЎЗБЕК КАШТАЛАРИ ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА



Мамлакатимизнинг бой тарихи, жаннатмонанд табиатига ярашган миллий ҳунармандлиги тобора сайёҳлар эътиборини тортар экан, уста ҳунармандларимиз зиммасидаги масъулият ҳам ортиб боради. Айниқса, ипакчилиги каштадўзликни кенг ёйиш, ишлаб чиқаришга янги ҳаёт бериш миллий маҳсулотларимизнинг экспортбўлигини оширишда муҳим омил бўлади.

▶ Давоми 6-бетда



## "ЯШИЛ МАКОН" УМУММИЛЛИЙ ЛОЙИҲАСИ

### НАВОИЙ ТАБИАТГА ХИЁНАТНИ НИМАГА ҚИЁСЛАГАН ЭДИ?

Юртимиздаги улкан тарихий ислохотлар халқимиз фаровонлигини ошириш, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрнини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2022 йил — "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили" деб эълон қилиниши ушбу бунёдкорлик, ободлик ва халқ фаровонлиги йўлидаги ислохотларга янада чуқур мазмун касб этди.

▶ Давоми 3-бетда

## ЖАРАЁН

Бугунги шиддатли, глобаллашув жараёнида мамлакатимизда таълим ривожини йўлида сезиларли қадамлар ташланмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ташкил этилгани таълим муассасаларидаги ўқитиш сифати самарадорлигини ўрганиш ҳамда улар рейтингини тузишда муҳим аҳамият касб этапти. Олий таълим муассасаларининг 2018 йилдан қўллаб келинаётган миллий рейтинг индикаторларини ишлаб чиқишда дунёнинг нуфузли рейтинг агентликлари — THE, QS ҳамда ARWU тажрибасига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

## ТАЪЛИМ, ТАРБИЯ ВА ИННОВАЦИЯ

юқори малакали  
кадрлар тайёрлашнинг  
уч таянчи



Утган йил ноябрь ойида эълон қилинган маълумотларга кўра, Навоий давлат кончилик институти 2020 йилда 20 дан ортиқ индикатор бўйича мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг миллий рейтингда 9-ўринни эгаллади, яъни кучли ўнликка кирди. Бу каби салмоқли натижаларга эришиш, таълим сифатини халқаро талаблар даражасига етказиш давлатимизнинг таълим сифатига қаратаётган эътибори ва ғамхўрлиги эвазига бўляпти, десак асло муболаға эмас. Жумладан, Президентимизнинг бу йил 31 мартдаги "Навоий давлат кончилик

ва технологиялар университетини ташкил этиш тўғрисида"ги қарорига биноан олдимизга қўйилган вазифалар кадрлар тайёрлаш сифатига мутлақо янги ҳаёт бериш талаб этади. Яқин келажакда таълим муассасамиз талабалар контингентининг 15 мингга етказилиши, уларга дарс берадиган ўқитувчилардан 30 фоизининг хориждаги нуфузли таълим муассасаларидан жалб қилиниши каби улуғвор мақсадлар жамоамизни руҳлантирди, янги фикрлаш ва ишлаш даври келганини аниқлади.

▶ Давоми 5-бетда








www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news

## ЯНГИ ТИЗИМ

# ТАШАББУСЛИ БЮДЖЕТ АДОЛАТ ВА ШАФФОФЛИКНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

## Жорий йил биринчи ярим йиллик учун 69 700 та ташаббусга жами 6 718 133 та овоз йиғилиб, улар орасидан 2215 та ташаббус ғолиб топилди

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,  
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

### МАБЛАҒ САЛМОҒИ ОРТМОҚДА

Президентимизнинг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан амалдаги механизм янада такомиллаштирилиб, ўтган йилдан бошлаб туман ва шаҳар бюджетлари харажатларининг 5 фоизи бевосита фуқаролар томонидан билдирилган тadbирларга йўналтирилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, жойларда фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар ечимини айнаун ташаббуслари асосида топиш имкониятини яратиш мақсадларида ажратилаётган қўшимча даромадларнинг 10 фоизлик микдори 30 фоизга кўтарилди.

Бу жараёнларда фуқароларнинг фаол иштироки ўз ҳудудларидаги долзарб муаммолар бартараф этилиши ҳамда бюджет маблағлари тўғри тақсимланишида ўзлари ҳам ҳиссасини қўшишига кенг имкониятлар яратилди.

Биринчи навбатда, киритилаётган тақлифда кўрсатилган муаммо умумий характерга эга бўлиши ва ўзида шахсий эҳтиёж билан боғлиқ талабларни акс эттирмаслиги лозим, — дейди Молия вазирлиги департамент бошлиғи Шерзод Муҳаммедов. — Масалан, ички йўлларни таъмирлаш, ичимлик сув таъминоти, ёритиш тизимини яхшилаш, худуд-

ларни ободонлаштириш, оқова сув тизимини тартибга келтириш, болалар ёки спорт майдончалари барпо этиш, ижтимоий соҳа объектларини таъмирлаш ёки моддий-техник базасини шакллантириш каби тақлифлар инобатга олинади. Идоравий (маҳаллий давлат ҳокимияти ва давлат органларининг бинолари ва иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига, жумладан, уларнинг бошқа эҳтиёжларини қоплашга қаратилган) ёки шахсий хусусиятга (турар жой харид қилиш, тadbиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш) эга тақлифлар эса рад этилади.

2022 йилда ушбу мақсадлар учун йўналтириладиган маблағ микдори 4 баробар оширилди. Яъни туман, шаҳарларда тасдиқланган бюджетларнинг 5 фоизи 1,5 триллион сўмдан ортиқроқни ташкил этди. Бундан ташқари, қўшимча манбаларнинг 30 фоизи ҳам ташаббусли бюджет учун йўналтирилади.

### ОВОЗ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛЯПТИ?

Амалдаги тамойилга кўра, ташаббусли бюджет жараёни ҳар йили икки марта 3 босқичда бўлиб ўтади. Хусусан, биринчи ярим йиллигини 1 февралдан 1 апрелгача, унинг иккинчи мавсумини эса 15 июлдан 5 сентябргача ўтказиш режалаштирилган.

Ҳар бир мавсумнинг биринчи босқичида фуқаролар ўз тақлифларини беради, иккинчисида билдирилган тақлифлар модерация жараёнидан ўтказилади. Учунчисида сараланган тақлифлар овоз беришга қўйилади.

— Саралаш босқичидан ўтган барча тақлифлар овоз беришга қўйилади, — дейди Молия вазирлиги масъул ходими Азим Ҳасанов. — Бунда ҳар бир тақлифнинг ўз саҳифасидаги “овоз бериш” тугмаси орқали фуқаролар фақат бир маротаба овоз бериши мумкин. Бу жараён 2 усул билан — “Очиқ бюджет” порталида рўйхатдан ўтган ҳолда ҳамда СМС хизмати орқали амалга оширилади.

Бундан ташқари, ҳар бир фуқаро бевосита ўзи истаган манзил, шу билан бирга, умуман, бошқа худуд бўйича иштирок этиб ҳам ташаббускор бўлиши мумкин. Бу эса муайян тақлиф ғолиб деб топилгани учун айнан ўша манзилда яшайдиган ёки рўйхатдан ўтган фуқаролар иштирок этиши лозим, деган чекловни рад этади. Аммо бир фуқаро фақатгина битта лойиҳани қўллаб-қувватлай олади.

Ушбу жараён дастлаб One ID тизими орқали йўлга қўйилган эди. Соддалаштириш мақсадида фуқаролардан фақат телефон рақамларига боғланган ҳолда рўйхатдан ўтиш тизими жорий этилди. Бу аноним тақлифлар ёки сунъий тарзда овозлар кўпайиб кетишининг олдини олади. Натижада фуқарода битта жараёнда битта тақлиф киритиш имконияти мавжуд бўлади. Агар телефон рақами орқали назорат олиб ташланса, бир фуқаро юзлаб тақлиф киритиши ёки овоз бериши мумкин. Шу боис, адолат тамойилидан келиб чиқиб, ҳар бир фуқаронинг

бир марта тақлиф киритиши ва овоз беришига рухсат этилди.

Ҳар бир туман ёки шаҳарнинг ўзида энг кўп овоз тўплаган тақлифлар микдорида келиб чиққан ҳолда ғолиб аниқланади. Оддий айтганда, тақлифларга қанчалик кўп овоз тўпланса, ютиш имконияти шунча ортади ва энг кўп овоз олганлари юқоридан пастга қараб сараланнади.

Овоз бериш жараёни якунларига кўра, “Очиқ бюджет” ахборот портали автоматик равишда ҳар бир худуд бўйича энг кўп овоз тўплаган тақлифлар асосида ғолибни аниқлайди ва муаллифининг шахсий кабинети орқали ҳамда мобил телефон рақамига бу ҳақда хабар юборилади.

### БИРИНЧИ МАВСУМ ҚАНДАЙ КЕЧДИ?

Жорий йилнинг биринчи мавсуми учун тақлифлар 1 февралдан 22 февралгача қабул қилинган. Илгари сурилган ташаббуслар модераторлар томонидан кўриб чиқилгач, овоз бериш жараёни 5 мартдан 1 апрелгача давом этди.

Молия вазирлиги ахборот хизматининг маълум қилишича, жараён жуда қизғин кечди ва фуқаролар давлат пуллари қандай ишлатилишига бефарқ эмаслиги, бюджетдан қандай фойдаланиш бўйича жамоатчилик назорати ўрнатилиши ургана бошлаганини кўрсатди.

Ҳар бир маҳалла ва овулда “Очиқ бюджет” ахборот порталида тақлиф қолдириш ва овоз бериш жараёнига кўмаклашувчи мобил гуруҳлар ҳамда “ташаббускорлар бурчаги” ташкил этилди.

Фаол ва ўз худудига бефарқ бўлмаган фидойи инсонлар тақлиф этган ташаббуслари бўйича алоҳида режалар ишлаб чиқди. Жойларда тарғиботнинг турлича усуллари қўлланиб, маҳалла раислари ва фаоллари ғолиб бўлиш учун уйма-уй юриб, муайян лойиҳага овоз беришга ундаган ҳоллар ҳам бўлди. Ижтимоий тармоқларда айрим худудларда тақлифлар кўпроқ овоз олиши ва ғолиб бўлиши учун ҳар битта овозга пул мукофоти тақлиф қилинаётгани ҳақидаги хабарлар тарқалди...

Буларнинг ҳаммаси юртдошларимизнинг бюджет маблағлари сарфланишига бефарқ бўлмаб, ҳар бир тийиннинг мақсадида ишлатилишига дахлдорлиги шаклланиб бораётганидан далолат беради.

Жорий йил дастлабки мавсуми якунлари бўйича ғолиб ташаббусларни амалга ошириш учун бюджетдан 1,1 триллион сўм маблағ ажратилган. Ғолиб лойиҳалар иштирокчилари ўз галабаларини катта хурсандчилик билан кутиб олди. Айрим маҳаллаларда карнай-сурнай, бошқаларида салот отиб нишонланаётгани ҳам буни кўрсатиб турибди.

“Ташаббусли бюджет”нинг иккинчи мавсуми июль ойида берилади. Унда ҳам мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фуқаро ташаббускор ва овоз берувчи бўлиши мумкин. Биринчи мавсумда иштирок этган ва етарли овоз тўплай олмаган лойиҳалар долзарблигини йўқотмаган бўлса, иккинчи мавсумда такроран илгари сурилиши мумкин.

## Деҳлида Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги кенг нишонланди

Мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчихонасида Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги муносабати билан расмий қабул маросими бўлиб ўтди.

Тadbирда Ҳиндистон давлат идоралари, ишбилармон доиралари, ОАВ, дипломатик корпус вакиллари ва Ўзбекистоннинг Деҳли шаҳрида вақтинча бўлиб турган фуқаролари ҳамда талабалар қатнашди.

Расмий қабул маросимида Ҳиндистон ҳукумати номидан ташқи ишлар давлат вазири ва маданият давлат вазири Минакаши Лекхи иштирок этди.

Тadbир аввалида икки давлат мадҳиялари янгради.

Шундан сўнг Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги элчиси Дилшод Аҳатов тadbир иштирокчиларини Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан табриқлади. Икки давлат ўртасида 30 йиллик даврда ўзаро ҳамкорлик алоқаларида эришилган ютуқлар хусусида тўхталиб ўтди. Элчи сиёсий, иқтисодий, маданий соҳалардаги ҳамкорликнинг жорий ҳолати ва истиқболлари ҳақида сўз юритди. Бу борада Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 ва 2019 йилларда Ҳиндистонга амалга оширган ташрифлари якунлари икки томонлама муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаргани қайд этилди.

Шунингдек, тadbир иштирокчиларига Ўзбекистондаги кенг қамровли ва фаол ислохотлар жараёни хусусида маълумот берилди. Бу борада “Инсон манфаатлари ҳамма нарсдан устун” тамойили асосида ишлаб чиқилган, келгуси 5 йилга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси қабул қилингани, ушбу стратегия мамлакатда эркин фуқаролик жамияти ва инсон капитални ривожлантириш, тadbиркорлик фаолиятини янада рағбатлантириш, инвесторлар ҳуқуқини химоя қилиш, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва бошқа кўплаб муҳим вазифаларга қаратилгани алоҳида таъкидланди.

Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири ва маданият давлат вазири Минакаши Лекхи Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 30 йиллиги икки давлат халқлари учун улкан байрам эканини билдирди.

Анил Шастри,  
“Ҳиндистон — Ўзбекистон” дўстлик жамияти раиси,  
Лал Баҳодур Шастри номидаги Менежмент институтлари тармоғи президенти:



— Наврўз байрами ҳамда Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 30 йиллигини биргаликда нишонлашдан бағоят мамнунман. Ушбу тарихий кун ҳар икки давлат учун муҳим аҳамият касб этади.

Халқларимиз ва давлатларимиз ўртасида бир неча минг йиллик тарихий алоқалар мавжуд. Ҳаёт тарзими, маданиятимиз, қадриятларимиз бир-бирига жуда яқин. Ушбу омиллар бизни узоқ тарихдан боғлаб келади ва умумий келажакимизни ҳам белгилайди.

Давлатларимиз раҳбарлари, хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев ва Бош вазир Нарендра Модиди ўртасидаги дўстлик ришталарини ҳам алоҳида таъкидлашим лозим. Уларнинг сўнгги йиллардаги мулоқотлари ва турли тadbирлар доирасидаги учрашувлари икки томонлама муносабатлар ривожини янада жадаллаштирди.

Ўз навбатида, биз мавжуд имкониятларимиз доирасида ўзаро ҳамкорликка ҳисса қўшишга ҳаракат қиламиз. Жорий йил бошида Деҳли шаҳрида жойлашган Лал Баҳодур Шастри номидаги Менежмент институтидан ўзбекистонлик 10 дан ортиқ ёш учун АКТ йўналишида онлайн ўқув курслари ташкил қилинди. Ушбу курсларнинг навбатдаги амалий қисmini яқин муддатларда бевосита институтда ташкил қилиш бўйича иш олиб бормоқдамиз.

Бундан ташқари, “Ҳиндистон — Ўзбекистон” дўстлик жамияти фаолиятининг асосий мақсади инсонлар ўртасидаги ришталарни мустаҳкамлаш, уларнинг ўзаро ташрифларини қўлайитириш, бир-бирларини янада яқиндан билишига кўмаклашидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон ва Ҳиндистон халқларини бугунги байрамлар билан яна бир бор муборакбод этаман.

Житендра Жоши,  
“Global India Business Forum” компанияси президенти:



— Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дипломатик алоқаларнинг 30 йиллиги муносабати билан барчани табриқлайман. Мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий алоқалар, балки савдо-сотиқ муносабатлари ҳам кўп асрлик тарихга эга.

Яқинда биринчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этиб, Ҳиндистонга қайдим. Сафарим давомида мамлакатимизда Ҳиндистонлик тadbиркорлар учун улкан имкониятлар мавжудлигига гувоҳ бўлдим. Улар орасида фармацевтика,

қурилиш, туризм соҳалари истиқболли йўналишлардан ҳисобланади. “Global India Business Forum” раҳбари сифатида айтишим лозимки, биз қисқа муддатларда берилган имкониятлардан самарали фойдаланиш учун Ҳиндистон ва Ўзбекистон ишбилармонлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари янада кенгайтиришга амалий ҳисса қўшамиз.

Ўзбекистон Президентининг форум очилиш маросимидаги нутқи менда алоҳида таассурот қолдирди. Ўзбекистон раҳбарияти ва ҳукумати мамлакат тараққиёти учун қатъий ва аниқ стратегияга эга. Ўзбекистоннинг кейинги 5 йилликдаги ривожланиш жараёнида биз каби хорижий ҳамкорлар фаолияти ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Мандип Сингх Чатвал,  
Панжоб Савдо-саноат палатаси раҳбари:



— Бугунги байрам ва муҳим сана билан икки давлат халқларини табриқлашдан мамнунман. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик учун қўллаб-қўллаш мавжуд. Бу борада туризмининг алоҳида қайд этишни истардим. Айниқса, постпандемия даврида ушбу соҳада улкан ўсиш кузатилиши кутилмоқда.

Пандемияга қадар бўлган даврда ҳинд кино ижодкорлари орасида Ўзбекистон худудида фильм тасвирига олиш учун машҳур манзилга айлана бошлади. Ҳозирги вақтда ҳам ушбу мамлакатта ташриф буюриш ва фильмлар, видеокилллар суратга олиш истагида бўлган ижодкорлар саноксиз. Уйлаيمانки, бугунги тadbир ва бошқа тақдиротлар Ўзбекистон маданияти ва туризм салоҳияти Ҳиндистонда кенг тарғиб этилишига ва туризм соҳаси янада ривож топишига хизмат қилади.

## Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси Жанубий Корея ОАВ нигоҳида

Жанубий Кореянинг “The Korea Times” газетасида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясига бағишланган мақоласи чоп этилди.

Мақолада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг қабул қилиниши тўла маънода тарихий воқеа, сўнгги йилларда амалга оширилган Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлгани таъкидланган.

— Ўтган даврдаги барча ҳаракатларимиз халқ билан мулоқотга қаратилган эди. Тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқишда мавжуд муаммолар ҳисобга олинди ва ечимини кутаётган долзарб вазифалар ўз ифодасини топди. Мамлакат фуқаролари ушбу ҳужжатни тайёрлашда фаол иштирок этди. Шунинг учун ҳам Тараққиёт стратегияси халқ муаллифлигидаги тарихий ҳужжат десак муболаға бўлмайди, дея қайд этади муаллиф.

Материалда, хусусан, ҳужжатнинг биринчи йўналишига “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқларарал давлат барпо этиш” деб ном берилишида ҳам раъзий маъно борлиги қайд этилган. У амалга оширилиши белгиланган долзарб режаларнинг жиҳатларини тавсифловчи 12 та мақсад ва 42 та вазифани қамраб олган.

Кейинги беш йилга мўлжалланган ушбу тарихий ҳужжат Барқарор ривожланиш мақсадларига тўла жавоб беришига эътибор қаратилган. Тараққиёт стратегиясининг амалга оширилиши 2026 йилга қадар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини бир вақтнинг ўзида муваффақиятли амалга ошириш имконини беради.



2022 йилда Тараққиёт стратегиясини амалга ошириш бўйича давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш орқали аҳолининг барча қатламлари — ўрта синф вакиллари ва тadbиркорлар, эмелилар, бюджет ташкилотлари

ҳодимлари, ҳарбийлар, фахрийлар, кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва умуман, бутун халқ фаровонлиги таъминланади, деб эътироф этилган нашрда.

“Дунё” АА  
Сеул

“Дунё” АА  
Деҳли



# 9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КҮН АМИР ТЕМУР ЛАШКАРБОШИЛАРИНИНГ ЭТНИК ТАРКИБИ Соҳибқирон саркардалари қайси уруғ вакиллари эди?



**Ҳамидулла ДАДАБОВЕВ,  
Алишер Навоий номидаги  
Тошкент давлат  
Ўзбек тили ва адабиёти  
университети профессори,  
филология фанлари доктори**

Дунёнинг буюк лашкарбошиларидан бири Амир Темур ҳазратлари ўттиз беш йил давомида олиб борган ҳарбий ҳаракатлар чоғида қўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъдодли саркардаларни танлаш, уларни тарбиялаб вояга етказиш каби масалаларга шахсан диққат қаратган.



Соҳибқирон тарихи акс этган қатор манбалар, алахуус, "Темур тузуклари"да қайд этилишича, Темур барпо этган қудратли ва ўта интизомли мунтазам армияга хос талайгина белгиларни ўзида мўжассам этган қўшинга уч юз ўн уч нафар лашкарбоши кўмондонлик қилган. Саркардаларнинг дастлабки юзтаси ўнбег, иккинчи юзтаси юзбег, учинчи юзтаси минбеглардан иборат бўлган. Ҳар бири минг нафардан ташкил топган туманларга Соҳибқироннинг ўғиллари, набиралари, қариндошлари, сафдошлари ва уларнинг фарзандлари раҳбарлик қилган.

аскарларини ўз ортидан эргаштириши, уларнинг қалбида галабага ишончни алангалатиши ва мустаҳкамлаши билан донг чиқарган.

жасида эди. Халқни қайта оёққа турғизиш, букилган қаддини ростлаш учун ҳар томонлама мукамал ҳарбий куч зарурлигини жуда яхши тушунган Соҳибқирон 1370 йилда нафақат мустақил салтанат барпо этиш, балки унинг чегараларини ташқи таъжовулардан қўриқлашга қодир қўшинни тиклашга эришди.

билан сарафроз этган, шону шуҳратини олий даражага кўтарган. Ҳазрат таъсис этган ҳарбий мансаб, рутба ва унвонлар лиллапоёсида улуг баҳодур шафрли унвони мавжуд бўлиб, унга икки саркарда, яъни Шайх Али баҳодур ҳамда Хитой баҳодур муносиб топилган. Шайх Али баҳодурнинг ўғиллари Сайидхожа, Илёсхожа, Хизрхожа ва Хуббийхожа отаси йўлидан бориб, Соҳибқирон лашкарининг турли қисмларига сардорлик қилган.

Илзанишлар Амир Темур қўшинида қавчин уруғига мансуб 28 лашкарбоши хизмат ўтаганидан далолат беради. Хусусан, Алқа, Ардашер, Тамука, Хумори сингари беқлар Мовароуннахрни мўғуллар истибодидан озод қилиш, салтанатни бирлаштириш йўлидаги хизматлари эъзига черик беги лавозимига қўйилган. Қавчин уруғининг атоқли намояндаси Аталмиш йирик давлат ва сиёсат арбоби, машҳур дипломат сифатида обрў қозонган.

Нукуз (никудар) уруғидан чиққан ўн лашкарбошининг асосийлари ўшбу қавмининг нуфузли сардори, Темурбекнинг содиқ сафдоши, маслакдоши, ишончли дўсти, мунажжим ва ҳожи Сайфуддинбек ҳамда унинг фарзандлари Абдулқарим, Абдуссамад,



Сайфулмулк, Султон Санжар, Тоҳир, Фозил, шунингдек, қавчинлардан тўзлиб, вадордорликда ном чиқарган қисм қўмондони Аллоҳход ташкил қилган. Сайфуддинбек наслидан бўлиши Валибек Султон Хусайн Бойқаронинг улуг беги даражасига кўтарилган.

Сулдуз уруғидан етишган ўн лашкарбоши сафидан сулдуз тумани (10 минг аскарлик дивизия) қўмондони Оқ Темур баҳодур, унинг ўғли — сулдуз ҳазораси (минглик) сардори Шайх Темур баҳодур, 1381 йилда олий фармонга кўра, Сабзавор доругаси (ҳарбий комендант) мансабига тайинланган Тобон баҳодур, Шайх Али ҳожи, Умаршайх мирзо

лар, ҳовузлар, боғу роғлар қуришдек бунёдкорлик ишларига бош бўлган, умрининг охиригача темирлар салтанатига сидқидан хизмат қилган.

Хуллас, жаҳон тарихидаги буюк феномен, давлатимиз ва халқимизнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий, айниқса, ҳарбий тараққиётига беқиёс улш қўшган улуг давлат арбоби, саркарда, фан ва маданият ҳомийси Амир Темур қатори, унинг атрофида фаолият юритган шахслар, чунончи, турли уруғ ва қавм вакилларидан етишиб чиққан атоқли лашкарбошининг ёрқин сиймосидан бохабар бўлиш бугунги ворислар олдида турган шарафли вазифалардан саналади.

## ҲУНАРМАНДЛИК

# ЎЗБЕК КАШТАЛАРИ ДУНЁ БОЗОРИНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА

**Муножат МҶМИНОВА,  
"Янги Ўзбекистон" мухбири**

Бошланғичи 1-бетда

Бу борада яна бир хушхабар — Риштон — Япония маданий иқтисодий алоқалар маркази билан Япониянинг "Kumiko" брендининг ҳамкорлиги ҳақида айтишдан аввал каштачилик мактабларимизга қисқача тўхталиб ўтишни жоиз топдик.

қураб тикилиши Бухоро кашталарига хос жиҳат бўлса, тўрсином композиция, турли гуллар билан кашта тикиш Нурота мактабининг услуби. Шаҳрисабз каштасида эса, "кандиҳаёл", "иройқ" чоклари ҳам қўлланади.

Бошқа мактабларимизга нисбатан йирик гулда тикиладиган Самарқанд каштаси ҳам ўзига хос. Унда гул атрофида "кўчкор шохи" нақши билан безак берилиши диққатни тортади. Жиззах каштаси сарғиш пишқик пахта матосига тикилса-да, композиция жиҳатидан Самарқанд сўзанага яқинлигини сезиш қийин эмас.

Йирик безакли Тошкент кашта намунасида азалдан иккита — "палак" ва "гул-кўрпа" қўлланиб келган.

Водий каштадўзчилиги Фарғона етакчи саналади. Худуднинг ипак етишти-

риш салоҳияти ўз-ўзидан мато ишлаб чиқариш ва унга ишлов бериш, шунингдек, каштачиликнинг ҳам ривож топишига имкон бергани аниқ. Фарғона каштачилик мактаби воҳадига каштачилик мактабларидек тилга тушмаган. Шу маънода, бугун вилоятда Нурота каштачилик услубидан кенг фойдаланилмайпти. Бу эса Андижон ва Наманган каштачилик мактабларини ривожлантиришга ҳам хизмат қила бошлади. 2021 йилда Фарғонада 15 та Хунармандлар маркази ишга туширилиб, айни марказларда 2000 дан ортиқ хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Қўшни вилоятлар хотин-қизларининг худуд таъжибасини ўрганиш мақсадида келаётгани соҳага қизиқтириш қун сайин ортаётганидан далолат.

Марғилонлик Зумрад Раҳмонова тошкентлик машҳур каштадўз Мадина Қосимбоевадан кашта сирларини пухта ўрганиб тўғри қилганига қуни кеча яна бир бор амин бўлди. Зеро, у сўзимиз аввалида айтганимиз — Япониянинг "Kumiko" бренди билан ҳамкорликдаги янги лойиҳа доирасида Риштонга таклиф қилинди. 2001 йилда ташкил топган бу марказда энди кулопчиликдан ташқари Зумрад опа раҳбарлигидаги каштачилик тўғраги ҳам фаолият бошлади.

— Менга Япониянинг мазкур бренди билан ҳамкорлик қилишдек масъулиятли вазифани ишонгани учун миннатдорлик билдираман, — дейди хунарманд. — Хунар ўрганган киши ҳеч қачон назардан четда қолмас экан. Марғилонда шогирдларим кўп. Бу ерда ҳам ишончли оқлашга ҳаракат қиламан, бор маҳоратимни шогирдларга ўргатсам, биргалишиб ўзбек



хунармандлигини Япония ва бошқа давлатларга танитишга ҳисса қўшамиз. Зеро, "Kumiko" сўзи ҳам бизнинг тилга ўтирилганда "бирлашиш" маъносини билдиради экан. Брендини кашта билан акс эттириш эса, бизга албатта, миллий гурур бахш этади.

Тўғаракнинг очилиш маросими кўтаринки ўтгани ҳам каштадўз хунарманд фикрларини тасдиқлайди. Чунончи, "Хунарманд" уюшмаси Фарғона вилоят бошқармаси бошлиғи Расулжон Мирзааҳмедов, Риштон тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Муқаддасхон Бекмирзаева, марказ директори Ғанишер Назиров, "Kumiko" бренди раҳбари Морияма Риса, умуман,

маросимда иштирок этганларнинг барчасига ҳамкорлик таклифи ўзгача қувонч бағишлади.

Тўғаракка жалб этилган йигирмага яқин хотин-қиз эса, насиб қилса, ўз қўлларини тижак кашталари Япониянинг "Kumiko" бренди остида сотилишидан бахтиёр.

— Ўзбекистонга меҳрим бўлакча, — дейди тўғаракнинг япониялик раҳбари, Васёда университети талабаси Морияма Риса. — Самарқанд ва бошқа бир қатор тарихий шаҳарлар мени ўзига ром этган. Мазкур марказни Японияда яхши билишди. Айни ҳудудда фаолият бошлашимга сабаб ҳам шу аслида. Бу ерда "Kumiko" бренди остида каштачилик

маҳсулотларини тайёрлатиб, Япония ва бошқа мамлакатларда сотишни мақсад қилганман. Зеро, Японияда кўл меҳнатини жуда қадрлашади. Шунинг учун кўлда тайёрланган маҳсулотларнинг қиймати ҳам баланд. Келажакда ўшбу лойиҳамиз кенгайиб, ўзим уйлагандек натижа беришига ишончим қомил.

Марказ раҳбарининг айтишича, марказни ташкил этишдан асосий мақсад, ёшларнинг бўш вақтини тўғри ташкил этиш, уларни япон тили ва маданияти билан яқиндан таништириш, миллий маданиятимиз, урф-одатларимиз ва хунармандчилигимизни Японияда тарғиб қилиш орқали мамлакатимизда туризм ҳамда Ўзбекистон ва Япония давлатлари ўртасида маданий ва иқтисодий алоқалар ривожланишига ҳисса қўшишдан иборат.

Марказ фаолиятини беминнат қўллаб-қувватлаб бориш учун доимий равишда Япония давлатидан япон тилини ўқитадиган ва ўзбек миллий маданияти, хунармандчилигини Японияда тарғиб қиладиган кўнглили мутахассислар жалб этилади. Шунингдек, бу ерда ҳар йили дўстлик ташкирларини ўтказиш учун Япония давлати вакиллари, сайёҳлар ташриф буюрадлар. Марказ ташкил қилинганидан буён Риштонга ташриф буюрган япон фуқароларининг сони 5000 дан зиёددир ташкил қилади. Шу маънода, мамлакатимизда хунармандлик ва туризм ҳамда бир-бирини тўлдирдишга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Уйлаймики, ўшбу лойиҳа орқали Риштон хунармандлик маҳсулотлари жаҳон бозорини забт этиши учун навбатдаги қадам ташланади.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока" газеталари таҳририяти" ДУК

Бош муҳаррир:

**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариқмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 925. 85049 нусхада босилди. **Ҳажми** — 3 табоқ. **Офсет** усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Ўзбекистон, 100060. Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй. Босмаҳона телефон: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов  
Мусаҳҳир: Малолхат Минғобоева  
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 22:05 Топшириқди — 00:15